

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУБОВ ЖАЛОЛИДДИН ҚАДАМОВИЧ

**АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТ
ВА ШАХС БАРКАМОЛЛИГИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Этика)**

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

УДК: 18:17.7:329.007 (Фаробий)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Юсубов Жалолиддин Қадамович

Абу Наср Фаробийнинг маънавий-ахлоқий камолот ва шахс баркамоллиги
ҳақидаги таълимоти.....3

Юсубов Жалолиддин Қадамович

Учение Абу Насра аль-Фараби о духовно-нравственном совершенстве и
совершенстве личности21

Yusubov Jaloliddin Kadamovich

Spiritual-ethical development and personal perfection in the Abu Nasr Forobi's
heritage.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУБОВ ЖАЛОЛИДДИН ҚАДАМОВИЧ

**АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТ
ВА ШАХС БАРКАМОЛЛИГИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Этика)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жакбаров Муҳаммаджон Турсунбоевич
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухторов Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Каримов Бахтиёр Рахмонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети. Ижтимоий фанлар факультети биноси).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Р.Хўжамуродов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Д.И.Файзихўжаева,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент

Г.Т.Махмудова,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фаннинг обрўси кенг миқёсда кўтарилиб бораётган, янги-янги кашфиётлар очилаётган бир даврда аждодлар томонидан яратилган илмий-маданий меросни ўрганишда шундай плюралистик ёндашувлар пайдо бўлдики, бундай ёндашувлар фан, техника ва технологик тараққиётга кенг йўл очса, иккинчидан, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган ворисийлик тамойилларини янги парадигмалар асосида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўзгаришлар миллий-маданий меросни янада бойитиб, баркамол инсонни тарбиялашдаги янги ёндашувларнинг шаклланишига туртки бўлаётганлигини кўрсатади. Зеро, башарият тарихи жараёни, жамият тараққиёти ҳеч қачон бўш жойда ҳаракатга келмайди, балки ўтмиш авлодларнинг меҳнати, маънавий маданияти, интеллектуал фаолиятининг умумлаштирувчи натижаси бўлади.

Дунё миқёсида миллий маданий меросга мурожаат этиш фавқулодда муҳим бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий идеалини янада теранроқ кашф этишга бевосита алоқадорлиги билан эътиборлидир. Шу боисдан ҳам дунёнинг Cambridge, Oxford, London Universities, The Islamic Studies program at the University of Detroit, The Middle Eastern & Islamic Studies New York University, The Islamic Studies, African Studies Center University of Michigan каби халқаро университетлари ҳамда илмий тадқиқот марказлари томонидан айти шу йўналишдаги муаммоларнинг илмий концептуал таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тарихимизни холисона ўрганиш ва ҳаққоний баҳолаш, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришни талаб қилади.

Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари, хусусан, инсон маънавий камолоти ҳақидаги илмий таълимоти кўплаб чет эл ва мамлакатимиз манбашунос олимлари томонидан жиддий ўрганилиб келинаётганлигига қарамай, уни махсус тадқиқ этиш, фалсафий умумлаштириш, хулосалаш ва баҳо бериш ишлари ҳали яқунланмаганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Бу ҳолат мутафаккирнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги тўғрисидаги таълимотини янги ёндашиш асосида тадқиқ этишнинг ўта долзарб муаммо эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, "...тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири..."¹ сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹ Мирзиёев Ш.М. "Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик". Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ // «Халқ сўзи». 2016 й. 19 октябрь.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли ҳамда 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3022-сонли Қарорлари, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармони, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сонли Фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарлари² мамлакатимиз маънавият соҳасидаги ислохотларнинг концептуал йўналишларини белгилашда IX-XII асрларда яшаб, ижод қилган мутафаккирлар, файласуф олимларнинг жаҳон илм-фан тараққиёти, миллий маънавиятимиз ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаларига оид фикр-мулоҳазаларининг илмий-назарий аҳамиятини берган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида³ реал аждодларимизнинг бой илмий мероси ва тарихий хотирасини юксалтириш борасидаги ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Шўролар даврида фалсафа бошқа соҳалар қаторида маҳдудликка маҳкум бўлиш баробарида улар мафкурасининг яловбардорига айлантирилиб, шўролар ғоясига тўғри келмаган фалсафалар, хусусан, Ўрта аср мусулмон Шарқи фалсафасига нисбатан дахрийча муносабатда ёндашилди. Шунинг учун бугунги кунда ўтмиш, хусусан, Абу Наср Форобийнинг маънавий-маданий ва фалсафий меросини холисона ўрганиш давр талабидир. Абу Наср Форобий диний-фалсафий қарашларининг қатор жиҳатларини ўрта асрлардаёқ йирик Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Ибн Сино, Ибн Божжа, Ибн Туфайл, Заҳириддин Байҳақий, Ибн Рушд, Абу Усайба, Жамолиддин ал-Қифтий каби олимлар ўрганганлар⁴. Мазкур олимлар меросини ўрганиш

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. –Т.: Ўзбекистон. 1996-2016.

³ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б., Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017, -592 б., Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. –Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018, -508 б., Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2019, -400 б.

⁴ Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М.: Наука 1980; Ибн-Баджа. Книга о душе // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М.: 1961; Ибн-Туфейль. Роман о Хайе, сыне Якзана. // Там же; Ибн Рушд. Опровержение опровержения. // Там же; Абу Хамид Газзолий. Ихё улумид-дин. –Т.: Моварауннахр, 2003; Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана

асосида айтиш мумкинки, Абу Наср Форобийнинг маънавий камолот ва шахс баркамоллиги айнан кишиларнинг маънавият даражаси, у ўзида ижобий ахлоқий хислатларни тарбиялай олиши билан ҳам боғлиқ экан. Ақлли одам фақат ижобий маънавий-ахлоқий кадриятлардан озуқа олади. Инсоннинг маънавий маданияти ва баркамоллиги эса унинг ўз ҳис-туйғуларини қандай бошқара олиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Аллома ҳар бир инсон ақл-заковатли, юксак ахлоқли, билим-маърифатли бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этади. Унинг асарларида инсон маънавий камолоти унинг тафаккури ривожланиши, соғлом ва жисмонан бақувват бўлишига боғлиқлиги таъкидланади. Форобийнинг маънавий-ахлоқий маданият ҳақидаги қарашлари унинг нафақат маънавий-ахлоқий тарбияси, балки илм олиш, билиш жараёни ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топади.

Кейинчалик эса Аҳмад Оташ, Фахриддин Олгунер (Туркия), М.Штейншнайдер (Германия), Мазкур Иброҳим (Миср), Р.Хаммонд, О.Фаррух, К.Йуханна, А.В.Сагадеев, М.Хайруллаев, А.Х.Қосимжонов, Г.Б.Шаймухамбетова, С.К.Сатыбекова, С.Д.Даукеева, З.М.Диноршоева, Г.К. Курманғалиева Б.С.Сулаймонов ва бошқалар алломанинг ислом дини билан боғлиқ фалсафий меросини атрофлича тадқиқ қилганлар⁵. Мазкур тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, Абу Наср Форобийнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги ҳақидаги қарашларида иккиюзламачилик, ёлғончилик, тухмат, кўполлик, ўғрилиқ, бир-бирининг пайига тушиш, худбинлик сингари салбий хулқлар кескин танқид остига олинади.

Йирик ўзбек олими, академик М.М.Хайруллаев биринчилардан бўлиб Абу Наср Форобий фалсафий меросини тизимли ва яхлит ҳолда таҳлил қилган. Форобийшунос олим фикрича, Абу Наср Форобий илм ва унинг асосидаги донолик, ақлни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади⁶.

А.Абдурасуловнинг номзодлик диссертациясида алломанинг ижтимоий утопияси тадқиқ этилган бўлса-да, лекин асосий эътибор мутафаккирнинг ҳукмрон ислом мафкурасига зид томонларини кўрсатишга қаратилган эди⁷.

VII-XII в.в. –М., 1960; Кедров Б.М., Есенов Ш.Е., Касымжанов А.Х. Философские воззрения аль-Фараби. // В кн.: Аль-Фараби. Философские трактаты. - Алма-Ата: "Наука", 1972.

⁵ Steinschneider M. al-farabi des arabish Philosophen. – Leiden, 1869; Madkaur Ibrahim. La placed'al-Farabi dans l'ecole philosophique musulmane. –Paris, 1934; Hammond R. The philosophy al-Farabi and its influence on mediaval thought. –New York, 1947; Farroukh O. The two Farabis. –Beirut, 1950; Йуханна К. Файласуф ал-Фараби. –Бейрут, 1954 (араб тилида); Сагадеев А.В. Учение Ибн Рушда о соотношении философии, теологии и религии и его истоки в трудах ал-Фараби // Ал-Фараби. Научное творчество. –Москва: Наука, 1975; Касымжанов А.Х. Абу Наср аль-Фараби. –Москва: Мысль, 1982; Сатыбекова С.К. Гуманизм аль-Фараби. -Алма-Ата: Наука, 1975., Даукеева С.Д. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби : Монография. - Алматы: Фонд Сорос-Казахстан, 2002. - 351 с.; Диноршоева З.М. Гражданская философия Аль-Фараби. Автореферат док. фил. наук. -Душанбе. 2006, - 46 с.; Курманғалиева Г.К., Насынбаев А.Н., Соловьева Г.Г. Наследие Аль-Фараби и современная философия взаимопонимания. Алматы Институт философии и политологии. 2011. - 247 с.; Сулаймонов Б.С. Логико-гносеологические воззрения Абу Насра Фараби: диссертация кандидата философских наук. - Душанбе, 2016. -146 с.

⁶ Хайруллаев М.М. Мирозрение Фараби и его значение в истории философии. -Т.: Фан, 1967; Уйғониш даври ва шарқ мутафаккирлари. -Т.: Ўзбекистон, 1971; Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994.

⁷ Абдурасулов А. Социальная утопия Фараби и её значение в развитии общественно-философской мысли. – Т., 1976. – С. 13.

Қозоғистонлик олима Г.Б.Шаймухамбетова монографиясида Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдаги турли ғоявий оқимларнинг, диний, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий ва сиёсий қарашларнинг узвий равишда ифодаланишини кўрсатишга, уларнинг маънавий-ахлоқий муаммоларини фалсафий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилган⁸.

Абу Наср Форобийнинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий қарашлари М.С.Бўрибаев, Е.А.Фролова тадқиқотларида тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида ёритилган⁹. Абу Наср Форобийнинг ахлоқий ғоялари, ижтимоий-сиёсий идеал, хусусан, фалсафа ва диннинг ўзаро алоқадорлиги (дин фалсафаси) ҳақидаги масалалар М.К.Ориповнинг монография ва докторлик диссертациясида қисман акс этган¹⁰.

2004 йилда Душанбеда Р.Жўраев “Абу Наср Форобийнинг сиёсий фалсафаси” мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлади. Унда Абу Наср Форобийнинг идеал давлат ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилган¹¹. М.Маҳмудов аллома ва унинг даври маданий-маънавий ҳаёти ҳақидаги манбаларни таҳлил қилган бўлса, Ф.Йўлдашев Абу Наср Форобийнинг ақл фалсафасини тадқиқ этади¹². А.Казибердов, С.Муталибов, Р.Баходиров, Х.Алиқулов, Б.Тўйчиев, Д.Файзихўжаева ва М.Тўлагановаларнинг тадқиқотларида Абу Наср Форобийнинг ижтимоий ва фалсафий қарашлари, унинг ижодидаги маънавий камолот масалалари ёритилган¹³.

Қайд этилган ишларда Абу Наср Форобий маънавий-фалсафий меросини ўрганишга доир илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, аммо аллома меросида маънавий маданият ва шахс баркамоллиги алоҳида мавзу сифатида таҳлил қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Абу Наср Форобий ижодий меросида маънавий маданият ва шахс баркамоллиги муаммоларининг талқинига доир

⁸ Шаймухамбетова Г.Б. Арабо язычная философия средневековья и классическая традиция. –М.: Наука, 1979. –С. 46-75.

⁹ Бўрибаев М.С. Аль-Фараби в истории науки // Аль-Фараби. Естественно-научные трактаты. - Алма-Ата. Наука, 1987. Фролова Е.А. Проблема веры и знания в арабской философии. –М.: Наука, 1983.

¹⁰ Арипов М.К. Социальная утопия в общественно-философской мысли Средней Азии, (докт. дис) ЛГУ, 1989.

¹¹ Джураев Р.З. Политическая философия Абу Насра ал-Фараби. Автореферат канд. диссер. Душанбе, 2004.

¹² Махмудов М.М. IX-XII асрларда Ўрта Осиёда Уйғониш даври. “Турон тарихи” журналы, 2011. № 2-4. – Б. 69-78., Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг ақл ва билим эволюцияси ҳақидаги қарашлари. ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -Самарқанд, 2018, - 133 б.

¹³ Казибердов А.П., Муталибов С.А. Абу Наср ал-Фараби. Исследования и переводы. –Т.: Фан, 1986. -80 с.; Баходиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. –Т.: Академия, 2000. – 52 с.; Алиқулов Х.А. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. –Тошкент: Noshir, 2012. -110 б.; Тўйчиев Б.Т. Социальная философия Абу Насра аль Фараби. Шарқ фалсафаси қадриятлари. – Т.: 2009. – 80 с.; Файзиходжаева Д.Э. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. -Тошкент: NISHON-NOSHIR, 2013. -142 б.; Тўлаганова М.К. Учение ал-фараби о диалектике в контексте современной теории аргументации. ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -Т., 2017, - 128 б.

ахлоқий қарашларни илмий-фалсафий концепция сифатида таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абу Наср Форобий асарларида “маънавий маданият” ва “шахс баркамоллиги” тушунчаларининг одат, феъл, фикрлаш тарзи, ахлоқий онг, ахлоқий маданият, ахлоқий билим, ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий эътиқод, ахлоқий муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини очиб бериш;

Абу Наср Форобийнинг маънавий камолот, маънавий маданият ва шахс баркамоллиги тўғрисидаги қарашларини илмий тавсифлаш асосида бурч, шафқат, виждон, номус, кадр-қиммат, идеал, ҳаётнинг маъноси, бахт каби тушунчаларга оид муаллифлик таърифини бериш;

Абу Наср Форобийнинг диний ва маънавий маданиятнинг алоқадорлиги ҳақидаги қарашларини ҳалол бўл, ростгўй бўл, эзгу ишлар қил каби даъватлар ҳамда фидойилик, зиёлилик ҳақиқатпарварлик, меҳнатсеварлик, жўмардлик, ўзбекчилик, меҳмондўстлик ва бошқа тамойиллар билан боғлиқ жиҳатларини очиб бериш;

Абу Наср Форобийнинг шахс маънавий баркамоллиги тўғрисидаги ғояларини “биосфера”, “ноосфера”, “этосфера (ахлоқий муҳит)” тушунчалари билан боғлиқ жиҳатларини назарий ҳамда эмпирик далиллар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Абу Наср Форобийнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги ҳақидаги қарашларининг ривожланиш тенденциялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Абу Наср Форобийнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги ҳақидаги қарашларининг ахлоқий-парадигмал асосларини илмий-фалсафий нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндашув, диалектика каби методларига таянилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абу Наср Форобий меросида маънавий маданият ва шахс баркамоллиги муаммоси ахлоқий англаш, ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий муносабатлар каби ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ ҳолда очиб берилган;

Абу Наср Форобийнинг меросида илм ва ахлоқий фазилатнинг муштараклиги, ёшларнинг маънавий камолоти илм-фан ёрдами билан тарбияланадиган юксак интеллектуал ва ахлоқий қоидалар, инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиришнинг маънавий-ахлоқий усуллари таълим ва тарбия уйғунлиги билан боғлиқ ҳолда очиб берилган;

Абу Наср Форобийнинг юксак маънавият, баркамол шахс тўғрисидаги таълимотидаги ахлоқий тамойиллар (адолатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик) ҳамда интеллектуал (ақллилик, зийраклик, зукколик), иродавий (чидамлилик, сабрлилик, матонатлилик) ва эмоционал (меҳр, муҳаббат, севги) сифатлар фалсафий нуқтаи назардан асосланган;

Абу Наср Форобий фалсафий-маданий таълимотидаги баркамоллик категориясининг асосий компонентлари (бурч, масъулият, виждон, адолат, инсоф, диёнат) асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абу Наср Форобийнинг маънавият, маданият ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг жамият ва шахс тарбиясидаги аҳамиятини изоҳлашга ёндашишнинг концептуал ва услубий асослари, шахснинг маънавий шаклланиши ва камолоти, бахтга эришишда мукамал ахлоқий мақсадлар интеграцияси талқинининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

Абу Наср Форобийнинг инсонни комилликка элтувчи юксак ахлоқий фазилатлари, хусусан, виждонлилик, ҳақиқат, кўпчилик манфаатини юқори қўйиш, ўз устида ишлаш, илм излашга қизиқиш каби қарашлари атрофлича ёритилган;

Абу Наср Форобийнинг жамиятда маънавий ҳаётни барпо этиш ва уни ривожлантириш учун ҳар бир жамият фуқароси фаолиятида ижтимоий-сиёсий ва маданий фаоллик кўникмаларини ҳосил қилдириш ва камол топтириш руҳида тарбиялаш, ҳар бир индивиднинг жамият, давлат, миллат ва халқ манфаатини эътиборга олган ҳолда онгли, маънавий, амалий жиҳатлардан камолотга интилиш фаолиятини сафарбар этишга қаратишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган фалсафий ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалар ахлоқ, маданият, маънавият муаммоларини ёритишга йўналтирилган тадқиқотларнинг илмий-методологик асосини бойитишга хизмат қилиши билан асосланади. Илмий хулосалардан “Фалсафа”, “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Диншунослик” фанлари бўйича тайёрланган ўқув қўлланмалар ва методик тавсияларнинг илмий-методик асосини бойитишда, шунингдек, «Шарқ фалсафаси» мавзуси бўйича махсус курслар тайёрлаш, илмий семинарлар ташкил қилиш ҳамда республика ва халқаро миқёсда симпозиумлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижаларидан таълим масканлари, маданий-маърифий муассасалар, маҳаллаларда ахлоқий-тарбиявий ишларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Наср Форобийнинг маънавий ахлоқий камолот ва шахс баркамоллиги ҳақидаги таълимотини ўрганиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

Абу Наср Форобий меросида маънавий маданият ва шахс баркамоллиги муаммоси ахлоқий англаш, ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий муносабатлар каби ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ ҳолда очиб беришга оид таклиф-тавсиялардан республика миқёсида ўтказилган “Ёш китобхон” танлови ва турли ёшлар фестиваллари ўтказиш, Ёшлар медиа маркази томонидан тарғибот роликларини тайёрлаш, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остидаги тадбирлар ва “Келажак сен билан” хайрия тадбирини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2018 йил 25 июндаги 04-13/3350-сонли маълумотномаси). Бу таклиф ва тавсиялар ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни буюк аجدодларимиз илмий ҳамда маънавий мероси билан яқиндан таништириш ва баркамол шахсни тарбиялаш ишларини тизимли ташкил этишга хизмат қилган;

Абу Наср Форобийнинг меросида илм ва ахлоқий фазилатларнинг муштараклиги, ёшларнинг маънавий камолоти, илм-фан ёрдами билан тарбияланадиган юксак интеллектуал ва ахлоқий қоидалар, инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиришнинг маънавий-ахлоқий усуллари таълим ва тарбия уйғунлиги билан боғлиқ жиҳатларини очиб беришга доир ишлаб чиқилган илмий натижалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Олмазор туман бўлими томонидан фойдаланилган, хусусан, ёшлар ўртасида юртимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, алломаларимиз маънавий меросини келажак авлодга етказиш, уни кенг миқёсда тарғиб қилиш ҳамда илмий тадқиқот ишларини кучайтиришга хизмат қилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 октябрдаги 03/09-1331-сонли маълумотномаси). Бу натижалар аҳоли, хусусан, ёшларнинг юртимиз алломалари маънавий ва илмий меросини ўрганишга оид билимларини ошириш, улар маънавий-маърифий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда мутафаккир ва алломаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар меросини асраб-авайлаш каби кўникмаларни шакллантиришга эришилган;

Абу Наср Форобийнинг юксак маънавият, баркамол шахс тўғрисидаги таълимотидаги ахлоқий тамойиллар (адолатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик) ҳамда интеллектуал (ақллилик, зийраклик, зукколик), иродавий (чидамлилик, сабрлилик, матонатлилик) ва эмоционал (меҳр, муҳаббат, севги) сифатлар ёшларни аجدодлар маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга ижобий таъсир қилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил 3 октябрдаги 04-13/4535-сонли маълумотномаси). Натижада ёшлар маънавиятини янада юксалтириш ва баркамол шахс сифатида шакллантириш ишларини самарали ташкил этишга эришилган;

Абу Наср Форобий фалсафий-маданий таълимотидаги баркамоллик категориясининг асосий компонентларига (бурч, масъулият, виждон, адолат,

инсоф, диёнат) доир қарашлари бирламчи манбалар асосида очиб берилган, таклиф ва тавсиялар борасидаги хулосалардан “Фуқаролик жамияти” номли ўқув қўлланмаси тайёрлаш, “Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати”да фуқаролик жамияти фанига оид янги тушунчаларга изоҳлар беришда фойдаланилган ҳамда “Фуқаролик жамияти”, “Фалсафа” ва “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанларидан маъруза матнлари тайёрлаш ва амалий машғулотлар ўтишда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 октябрдаги 89-03-3751-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий-тадқиқот иши натижалари “Фуқаролик жамияти”, “Фалсафа” ва “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанлари мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (9 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Абу Наср Форобийнинг шахс маънавий камолотига доир қарашлари”** деб номланган биринчи бобида Абу Наср Форобийнинг маданий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши ва эволюциясини очиб бериш, алломанинг маънавий камолот тўғрисидаги қарашлари шаклланишининг тарихий-ижтимоий манбалари, дин ва маънавият муаммолари, илоҳиёт илми ҳақида қарашларини яхлит ҳолда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган буюк Шарқ юзлаб, минглаб даҳоларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Бу алломаларнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги ҳақидаги қарашлари авлоддан-авлодга битмас-туганмас хазина сифатида ўтиб келмоқда. Шарқ фалсафасида, шунингдек, инсоният тафаккур тарихида баркамол инсонни камол топтириш масалаларига доир қимматли фикрлар

кўп айтилган. Бугунги кунда ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг маънавий юксалиш йўлидаги имкониятларини кенгайтириш, жамиятда аждодларимиз, хусусан, Абу Наср Форобий ижодини ўрганиш муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этади. Аллома ўз асарларида миллий урф-одатлар, кадриятлар, миллий ҳис-туйғулар, мақсад ва интилишлар, руҳий-ахлоқий қарашлар, умуман олганда, барча маънавий муносабатлар давлат ва жамият, миллат тараққиётига, албатта, ўз таъсирини кўрсатишини фалсафий нуқтаи назардан асослаб берган.

Ҳар қандай жамиятда шахс маънавий маданиятини юксалтириш энг муҳим ҳаётӣ эҳтиёж ҳисобланса, шахс фаолиятида баркамолликка эришиш асосий ҳаётӣ заруриятга айланади. Зеро, инсоннинг ҳар жиҳатдан маънавий маданият соҳиби бўлишга интилиши тасодифан пайдо бўлган ҳодиса эмас. Балки, бу инсониятнинг кўп минг асрлик тарихида ушалмаган орзуси, идеалидаги комил инсон тимсолида яшаб келмоқда. Шу боис, муаллиф маънавий-маданий жиҳатдан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдек стратегик мақсадга эришишда мутафаккир аждодларимизнинг ахлоқ-одоб масалаларига доир нодир асарларини тадқиқ этиш, уларда ифодаланган прогрессив ғояларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этаётганлигини асослашга ҳаракат қилади.

Абу Наср Форобийнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллигини шакллантиришга қаратилган ахлоқий қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, алломанинг, инсон ўзининг фаол ақл-идроқи, қобилияти, истеъдоди, тафаккури ёрдами билан табиатни, борлиқни, материяни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳияти ҳамда мазмунини билиш ҳақидаги қарашлари ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Инсондаги бундай фазилатлар унинг улуғ бахтга эришишида устувор ўринни эгаллайди. Мутафаккир ўз қарашларида ички руҳий, маънавий кучлар инсонга табиатни объектив баҳолашга имкон беришини исботлашга ҳаракат қилиб, инсоннинг руҳий, маънавий кучлари танасининг жисмоний ҳолатига таъсир эта олишини қуйидагича тушунтиради: “Руҳан касал одамлар ҳам ёмон истаклари ва одатлари туфайли бузилган тасаввурларига қараб, ёмон (ахлоқсиз) феъл-ҳаракатлардан ҳузурланадилар ва гўзал қилиқларни, ишларни ёқтирмайдилар ёки умуман гўзалликни тасаввур қилмайдилар”¹⁴. Демак, маънавий, руҳий эҳтиёжлар, имкониятлар, энг муҳими, тана етуклиги ҳар томонлама комил ва етук инсоннинг асосий жиҳатларини акс эттиради.

Диссертант фикрича, Абу Наср Форобий инсон ҳақиқий камолотга етишиши учун, аввало, илмий билимларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради. Бунинг учун инсон ақлий хислатларни эгаллаши лозим бўлиб, тарбиячи эса шогирдидаги ана шу фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Инсон фаҳм-фаросати, фикрлаш, мулоҳаза юритиш қобилиятини тўғри йўлга қўйиш орқали ақлий ва ахлоқий камолотга этади, табиат ва жамият қонунларини тўғри билиб олади, ҳаётда тўғри йўл тутлади. “Жисмоний, маънавий, руҳий етуклик

¹⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: “Халқ мероси” нашриёти, 1993. -Б. 166.

ғояси фозил шаҳар ҳокимининг фазилатларида (тўрт мучали соғлом бўлишда, табиатан фаросатли, хотираси кучли, зеҳни ўткир, зукко, ўз фикрини равшан тушунтира олиши, таълим олиш, билим, маърифатга ҳавасли, машаққатдан қочмайдиган, очофат эмас, ҳақ ва ҳақиқатни севадиган, ёлғонни ёмон кўрадиган, ўз қадрини билувчи, номус-ориятли, табиатан адолатпарвар ва ҳ.к.) ўз ифодасини тошган”¹⁵. Мутафаккир таълим ва тарбияга таъриф бериб, таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия эса назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ меъёрлар ва амалий малакаларини ўргатишдир¹⁶, деган хулосага келади. Инсонни юксак даражадаги хулқ-аворга эга бўлишини сўз билан эмас, балки амалда эришиш мумкин бўлган ахлоқий ҳодиса эканлигини ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилади. Жисмоний етуклик, интеллектуал камолот, юксак ахлоқий ва эстетик фазилатлар ҳар томонлама етук, маънавиятли баркамол шахсинг асосий хислатларидан эканлигини уқтиради.

Диссертациянинг **“Шарқ уйғониш даври маънавий маданияти ривожда Абу Наср Форобий меросининг ўрни”** деб номланган иккинчи бобида Абу Наср Форобийнинг фанлар таснифида дунёвий ва диний илмларга доир қарашлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган, алломанинг диний ва маънавий маданиятнинг алоқадорлиги ҳақида қарашлари бошқа Шарқ файласуф олимлари таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Абу Наср Форобийнинг маънавий камолотга доир қарашларининг тарихий-ижтимоий ва фалсафий манбаларини тадқиқ этиш мазкур мавзу доирасидаги концептуал масалалардан биридир. Бу эса Шарқ Уйғониш даврида эришилган маданий, ижтимоий тараққиётни чуқурроқ ўрганиш билан боғлиқ. Абу Наср Форобий асарларида шахс камолоти, жамият ва шахс баркамоллигини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, алломанинг асарлари тасниф этилганда, сиёсат илми “шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми”, “илми ал-маданий” юриспруденция (фикҳ) ва мусулмон теологияси (илми калом) хусусида билдирган фикрларида ҳам тил, тафаккур, ахлоқ, фан, санъат, адабиёт, мусиқа ва дин каби маънавий маданият элементларининг фалсафий таҳлилига алоҳида эътибор қаратади. Бинобарин, унинг диний ва маънавий маданият ҳақидаги қарашлари рационалистик позициядан туриб тушунтириши, мантикий далиллаши, изчиллиги билан ажралиб туради.

Абу Наср Форобий биринчилардан бўлиб, ахлоқий назариясини мавҳум ғоялар асосига эмас, балки аниқлик, объективликка суяниб ривожлантиради. У ҳар бир ахлоқий фазилатни аниқ таърифлайди. Шунингдек, аллома ўз асарларида инсонларнинг диний эътиқоди, дунёқараши фазилатли шаҳарлар аҳолисига хос баркамол бўлиши зарурлигини қайта-қайта тушунтиради. Зеро, маънавий маданият – инсоннинг маънавий хусусият ва хислатлари, жамиятнинг маданий даражасини акс эттирувчи тушунча ҳисобланади¹⁷. Бу

¹⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: “Халқ мероси” нашриёти, 1993. - Б. 159.

¹⁶ Қаранг: Фараби Абу Наср Мухамед. Социально-этические трактаты. –Алма-ата: Наука, 1975.

¹⁷ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғат. - Т.: Ф.Ғулом нашриёти. 2009. – Б. 309.

жараёнда муаллиф фикрича, кишининг ҳаракатлари, воқеликни баҳолай олиш салоҳияти, ахлоқий билим ва тажрибалари, улардан фойдалана билиш қобилиятлари устувор аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, инсон дунёга келгач, ўзига “нима учун?”, “қачондан?”, “нега?” каби саволларни бериб, ҳақиқатни излайди. Ҳар бир индивид ўзининг индивидуал жиҳатлари билан ажралиб туриши маълум. Ҳар ким ўз олдига мақсад қўяди ҳамда мақсад ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Инсон ҳақиқатни излайди, бахтли-саодатли яшашга ҳаракат қилади, аммо “бахт” тушунчаси ва моҳиятини ҳар ким ҳар хил тушунади. Форобий қарашларидан маълум бўладики, инсон бахт-саодатга эришмоғи учун, энг аввало, бахт ҳақидаги билимга эга бўлиши, сўнгра бахтга эришиш йўллари, воситаларини тўғри англаб олиши зарур.

Ал-Форобийнинг “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида” номли рисоласида: “Бахт-саодатнинг мақсади ва унга олиб борувчи йўлнинг ўзи ҳам бахтдир, саодат эса бениҳоя гўзалдир. Бахт-саодат ва гўзалликнинг барчаси инсонийликнинг ички туйғуларидан ва ихтиёрий амаллардан келиб чиқади... Жаҳондаги адолат ва тартиб тимсолидаги хайр. Биринчи сабаб (Худо)дан зарурий равишда нима келиб чиққан бўлса, яъни барча яратилган нарсалар ва ҳаётнинг юқори поғоналаридан тортиб қуйи поғоналаригача босиб ўтилган барча босқичлар, бир-бирларига занжир каби боғлиқликда бўлиб, адолат тартибининг гўзаллиги ва хайрлилигидан гувоҳлик беради. Дунёда шарр (ёмонлик) учун яратилган зарурий эҳтиёж йўқ. Илоҳий дунёда эса шарр умуман йўқ. Мавжуд дунёдаги шаррнинг келиб чиқиш манбаси фақат инсон иродасидир. Борлиқдаги барча нарсалар аслида хайрлидир. Шарр келиб чиқиши мумкин бўлган манба фақат ва фақат инсон иродасидир, холос”¹⁸. Форобий: “Қонунларни жорий этиш учун ҳаёт тажрибасига эга ва хуш хулқли одамларни жалб этиш керак, аммо асло бу ишга гўл ва жоҳил одамларни қўшмаслик даркор”¹⁹, - дейди. “Энг катта жиноят – раҳбар шахс томонидан қилинган жиноят”, деган эди аллома. Агар шу каби иллатларга чора кўрилмаса, жамиятда бош бошдоқлик ҳукмронлик қилади.

Абу Наср Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида” каби рисоаларида инсон жамоалари келиб чиқишининг тарихий ва ижтимоий сабабларини кўрсатар экан, энг аввало инсонларнинг бир-бирининг ёрдамсиз яшай олмаслиги, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамгина инсон жамоалари вужудга келиши жамият барқарорлиги ва унинг раванқ топишининг энг асосий сабабидир, деб билади. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Инсон ўз табиати жиҳатидан шундай таркиб топганки, ўзининг мавжудлиги ва олий даражадаги камолотга эришуви учун кўп нарсаларга муҳтождир. У буларнинг барчасига бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиш учун кишиларнинг қандайдир жамоасига муҳтож. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси у муҳтож бўлган нарсаларнинг бирортаси билан уни таъминлайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам бир-бирларига нисбатан худди

¹⁸ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: 2002. – Б. 17.

¹⁹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Халқ мероси” нашриёти, 1993. – Б. 39.

шундай ҳолатда бўладилар. Мана шу сабабли бир-бирига ёрдам берувчи жуда кўп кишиларнинг бирлашуви орқали инсон ўзи интилган камолотга эришуви мумкин”²⁰. Демак, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатлик, ёрдам ҳис-туйғулари орқали инсонлар бир-бирлари билан бирлашган жамоада нафақат ўзларининг моддий эҳтиёжларини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондирадилар, бунинг натижасида, ҳар бир инсон ва бутун жамоа маънавий камолотга эришади. Аллома фикрича, инсонларнинг жамият бўлиб яшашга, бирор кишилик жамоасига бирлашиш сабаби уларнинг қайси ирқ, миллат ёки динга мансублиги эмас, балки уларнинг ўзаро ёрдами, ҳамкорлик ва ҳамжихатликка муҳтожлиги билан изоҳланиши шарт²¹. Албатта, мутафаккирнинг бу ғояси жамиятнинг асл моҳияти, жамиятда ҳар бир аъзосининг тутган ўрни, бурчи ва вазифасини кўрсатувчи маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган ғоя бўлса, иккинчидан, инсонларни ҳамкорлик ва ҳамжихатликка даъват қилувчи ғоявий-сиёсий фикрлардан иборат. Чунки бугунги кунда жамият ва «инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш»²² долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Ҳозирги даврда Абу Наср Форобийнинг шахс маънавий баркамоллиги ҳақидаги қарашларининг аҳамияти”** номли учинчи бобида Абу Наср Форобий мероси ва Шарқ Уйғониш даврида маънавий камолот ғояларининг ривожланиш тенденциялари, алломанинг шахс маънавий баркамоллиги тўғрисидаги ғояларининг жамият тараққиёти учун аҳамияти ҳамда шахс маънавий маданиятини юксалтиришда Абу Наср Форобий меросидан фойдаланиш зарурати атрофлича ўрганилган.

Ҳозирги даврда юз бераётган туб ўзгаришлар замонавий дунё ва инсонга бўлган янгиланган қарашни қатъий равишда талаб қилмоқда. Унда Шарқ ва Ғарб маданиятлари мулоқоти воситасида ҳақиқатни англашга асосланган ҳамда инсонпарварлик, тинчлик, толерантлик, инсон ҳаётининг маъносини англаш борасидаги янги дунёқарашни шакллантиришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Абу Наср Форобийнинг шахс маънавий баркамоллиги ҳақидаги қарашлари антик маданият, фалсафа ва фаннинг энг йирик намояндалари амалга оширган тадқиқотлар самараси бўлган ғоялар билан боғланиб кетади.

Маълумки, ахлоқий фазилатлар ҳақидаги ғоялар антик даврлардан бошлаб файласуфларнинг эътиборини ўзига тортиб, юнон мутафаккири Арасту ўз ахлоқий қарашиди “олтин ўрта, мўътадиллик” ғоясига асосланади.

²⁰ Хайруллаев М.М. Форобий. -Т.: 1975. -Б. 302-303.

²¹ Қаранг: Фараби Абу Наср Мухамед. Социально-этические трактаты. –Алма-ата: Наука, 1975.

²² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. - Т.: Ўзбекистон, 2007. -Б. 16-17.

